

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# 189

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида» 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ–1672-сон қарори ва «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ–1675-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 26 апрель,  
ПҚ–1745-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2012 йил 26 апрелдаги  
ПҚ–1745-сон қарорига  
ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари ходимларининг меҳнатини моддий рағбатлантириш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 19 июндаги ПҚ–655-сон қарорида:

а) 1-илова матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«Иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналарининг  
бошқарув ходимлари, муҳандис-техник ходимлари ва  
хизматчилари учун меҳнат ҳақи  
ТАРИФ КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ**

Меҳнат ҳақи разрядлари	Тариф коэффицентлари
1	1,209
2	1,378
3	1,612
4	1,902
5	2,264
6	2,581
7	2,891
8	3,220
9	3,540

»;

б) 2-илова матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти  
корхоналарининг ишчилари учун меҳнат ҳақи  
ТАРИФ КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ**

Меҳнат ҳақи разрядлари	Тариф коэффицентлари
1	1,000
2	1,100
3	1,226
4	1,369
5	1,526
6	1,679

»;

в) 3-иловада:

7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналарининг ишчилари учун меҳнат ҳақи бўйича базавий тариф ставкалари миқдори тариф сеткасининг тегишли разряди тариф коэффицентини тариф сеткасининг бошланғич (биринчи) разряди тариф ставкаси миқдорига кўпайтирилиши билан белгиланади»;

III бўлимнинг номланиши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«III. Иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти  
корхоналарининг ишчилари учун меҳнат ҳақи бўйича  
тариф сеткасининг бошланғич (биринчи) разряди тариф  
ставкасини белгилаш тартиби»;**

9-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. Иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналарининг ишчилари учун меҳнат ҳақи бўйича корхонада қўлланиладиган тариф сеткасининг бошланғич (биринчи) разряди тариф ставкаси миқдорлари корхона томонидан корхона молиявий имконияти ва меҳнат ҳақи фондининг (мукофотларни ҳисобга олмаганда) корхона харажатларидаги мавжуд улушидан келиб чиқиб, шунингдек молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар асосида меҳнат органлари билан келишилган ҳолда белгиланади.

Иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналарининг ишчилари учун меҳнат ҳақи тариф сеткасининг бошланғич (биринчи) разряди тариф ставкаси миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряд тариф ставкаси миқдоридан паст бўлиши мумкин эмас»;

10 — 12-бандлардаги «бошланғич (нулинчи) разряди» сўзлари «Иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналарининг ишчилари учун меҳнат ҳақи бўйича тариф сеткасининг бошланғич (биринчи) разряди» сўзлари билан алмаштирилсин;

23-бандда «тариф сеткаси бошланғич (нулинчи) разряди тариф ставкасининг 50%игача миқдорда» сўзлари «иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналарининг ишчилари учун меҳнат ҳақи бўйича тариф сеткасининг бошланғич (биринчи) разряди тариф ставкасининг 20%игача миқдорда» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-721-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошидаги «тўрт йил деб белгилансин (2007 — 2011 йиллар)» сўзлари «олти йил деб белгилансин (2007 — 2013 йиллар)» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида» 2010 йил 26 февралдаги ПҚ-1292-сон қарори 4-бандининг иккинчи хатбошидаги «2» рақами «1» рақами билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сон қарорининг:

а) 9-1-илоvasи куйидаги мазмундаги 2-1-банд билан тўлдирилсин:

«	2-1.	Оммавий ахборот воситаларининг тахририятлари, нашриётлар, полиграфия ташкилотлари, телерадиоэшиттириш компаниялари	5	»;
---	------	--	---	----

б) 11-илованинг 1-банди:

куйидаги мазмундаги бешинчи сатр билан тўлдирилсин:

«	газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари	5,0	3,0	2,0	»;
---	--	-----	-----	-----	----

бешинчи сатр олтинчи сатр деб ҳисоблансин.